

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЭЛ АРО ЭЪЗОЗЛИ ИНСОН



О. НУРМАМАНОВ туширган сурат

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ҳокимлиги "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш" котибияти бош мутахассиси Музаффар Жаъфаров эл-юрт дарди билан ёниб яшовчи, фидоий инсонлардан биридир. Бу кишининг ҳаёт зарвараклари кўпчиликка ибрат бўлгулик.

Музаффар ака 6 ёшидан бошлаб бувиси Шарофат отиннинг қўлида ўсди. Ўрта мактабни муваффақиятли тугатиб, дастлаб 3-мебел фабрикасига ишга кирди. Тез орада қўли гул уста сифатида катта-кичикнинг ҳурматини қозонди. Олийгоҳда билимини оширди. Турли ташкилотларда масъул лавозимларда меҳнат қилди.

Оилали бўлди. Умр оқар сувдек ўтар эди. Музаффар ака жамоат ишларида жонбозлик кўрсатар, хонадон бекаси Рихсихон эса беш ўғил тарбияси билан машғул эди.

Кутилмаганда оила бошига катта мусибат тушди: Рихсихон оғир касалликка чалиниб оламдан бевақт кўз юмди. Энди рўзгор ташвишлари, ҳали мактабу боғча ёшидаги фарзандлар тарбияси буткул Музаффар аканинг зиммасига тушди. Музаффар ака тушқунликка берилмади. Ота-онаси, дўсту ёрларнинг қўллаб-қувватлашларидан ўзини қўлга олди.

Музаффар ака кейинчалик қавми-қариндошлар маслаҳати билан уйим-жойим дейдиган бир аёлга уйланди. Зарифа опа болаларни ўз фарзанд-

лари каби қабул қилди. Уларни ўқитди, ютуқларидан шодланди, билмаганларини ўргатди. Бирок... Бу дунёнинг киши билмас синовлари кўп экан. 28 ёшли ўртанча ўғил Ботиржон автомобил фалокати туфайли оламдан кўз юмди. Музаффар ака ҳаётнинг бу зарбасига ҳам чидади, меҳнатдан, одамларга меҳр-оқибат кўрсатишдан куч олди.

Қаҳрамонимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли туманда "Бахтли оила - давлат бойлиги", "Ибратли келинчақ", "Аёлдир миллат кўрки", "Қайнонам-онам менинг", "Меҳр билан олам мунаввар" сингари кўрик-танловлар ўтказилди. "Аёл, қонун ва ҳуқуқ", "Тадбиркорлик, бизнес ва аёл", "Маънавият, қадрият ва аёл" мавзуларида

саводхонлик йиғилишлари ташкил этилди.

- Умрим давомида одамлар кўнглига йўл топиб яшадим, - дейди М. Жаъфаров. - Ўтган ҳаётимдан мамнунман. Ўғилларим ўз оилалари билан тинч-тотув яшашмоқда. Ўғилу келинларимнинг ҳаммаси ўқимишли, касб-корли. 16 нафар неварам бор.

Музаффар ака бу йил 60 баҳорни қаршилаш билан бирга оилаларни турмушининг ёқут тўйинида нишонлайди. Музаффар ака сингари фидоий инсонлар ҳамиша омон бўлсин...

Фарида ТОҲИРОВА

"СОҒЛОМЖОН" ОИЛА ЖАМОАЛАРИ КОНКУРСИ

Болалар жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими ташаббуси билан "Соғлом авлод учун" Халқаро хайрия жамғармаси, Самарқанд шаҳар бўлими ҳамкорлигида "Соғломжон" оилалар жамоалари иштирокида конкурс ўтказилди.

Конкурс шартлари са-

вол-жавоб, спорт мусобақалари, сканвордлар ечиш, болаларни ота-оналари ҳақида билишлари ва мусиқавий беллашувлардан иборат бўлди. Конкурс якунига кўра 1-ўринни Худойбердиев ва Яромолинскийлар оиласи, 2-ўринни Раҳматовлар оиласи, 3-ўринни Аметовлар оиласи эгаллашди.

"СОДИҚ ФАРЗАНДИНГМАН, ЖОНАЖОН ЎЗБЕКИСТОН!"

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги, Болалар жамғармаси Самарқанд вилояти бўлими, "Экосан" Халқаро хайрия жамғармаси вилояти бўлими, "Соғлом авлод учун" Халқаро жамғармаси шаҳар бўлими STV гелс-компанияси ҳамкорлигида "Содиқ фарзандингман жонажон Ўзбекистон" фестивали бўлиб ўтди. Хайрия фестивалини асосий мақсади ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий

қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялаш, замонавий сермазмун дастурлар орқали уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишдан иборат эди. Мазкур фестивалда Самарқанд шаҳридаги барча миллий-маданий марказлар ва ёш истеъдодли хонандалар иштирок этдилар. Фестивал доирасида меҳрибонлик уйларида "Энг яхши шахматчи", "Энг яхши футболчи", "Энг яхши тадбиркор",

Ўзбекистон Болалар жамғармаси фаолиятидан

"Энг яхши ташкилотчи" танловлари бўлиб ўтди.

Хайрия фестивалидан тушган маблағ кам таъминланган оилалар болалари ва меҳрибонлик уйлари ҳамда иқтидорли болаларни қўллаб-қувватлаш учун ишлатилади.

3. МУҲИТДИНОВ,
Болалар жамғармаси
Самарқанд вилоят
бўлими раиси

Бугунги кунда Республика-мизда икки мингдан зиёд но-давлат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. "Умид" Минтақалараро Реабилитация маркази ҳам шулардан бири бўлиб, 1998 йили Самарқанд шаҳрида ташкил топди. Ушбу нодавлат тижорат ташкилотининг мақсад ва вазифаси нималардан иборат? Мухбиримиз марказ бошлиғи, таниқли шифокор Бибисора ОРИПОВА билан суҳбатлашди.

- Бибисора опа, ушбу марказни очиш фикри сизда қачон ва нима сабабдан пайдо бўлган.

- Шифокорлик фаолиятимга ўттиз йилдан ошди. Ҳозир ҳам шаҳар касалхонасида ишлайман. Ўзингизга маълум, оғир аҳволга тушган кишиларгина нажот истаб бизга мурожаат қилишади. Табиийки, соғлиги тикланиб ҳаётга қайтишади. Бироқ биз шифокорларнинг, маҳалла фаолларининг, хайрияти ташкилотларининг ҳам эътиборидан четда қолаётган кишилар бор. Бизнинг марказимиз асосан ана шу йўналишда иш олиб боради.

Аниқроқ айтидиган бўлсам, биз аввало аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий онгини ўстириб, зарурият топилса уларга амалий ёрдам берамиз. Яъни, оиладаги носоғлом муҳитдан безиб, уйини тарк этган, бошпанасиз қолган аёл ва болаларга маънавий маддад ҳамда вақтинчалик бошпана топишга ёрдам берамиз, руҳини кўтариб, ҳуқуқий маслаҳатлар асосида ўзларини ҳимоя қилишга ўргатамиз. Тўғма нуқсонли бўлган болалар, бахтсиз тасодиф тугайли юзюда ва тананинг очик қисмида чандиклар орттирган, жисмоний ҳаракатнинг чегараланиши тугайли қайта депрессия ҳолатига тушган ногирон кишиларнинг ҳаётини қайта тиклаш, психотерапевтик йўллар, зарурият бўлса жарроҳлик йўли билан даволаймиз.

2001 йил - ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ

Умуман, марказнинг асосий мақсади оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш, турли бахтсиз тасодифларга қарши тайёр бўлишга ўргатиш, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборат.

- Жуда савоб ишни зиммангизга олибсиз. Бироқ, бундай йирик ишлар катта маблағ талаб қилади, шундай эмасми?

"УМИД" ДАН УМИД КАТТА



- Шубҳасиз, шуни алоҳида эътироф этишни истардимки, дастлаб оёққа туришимизга вилоятимиздаги "САБР" ишонч маркази ва АҚШ ахборот агентлиги иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёрдам қўлларини чўзишди. Сўнгра грант танловларида муваффақиятли қатнашиб, Американинг "ЮСИС", "ЮСАИД" ва "СОРОС" фондларидан катта амалий ёрдам олдик ва олмоқдамиз. Айниқса АҚШнинг Ўзбекистондаги (собик) фавқуллода ва мухтор элчиси Жозеф А. Пресел-

нинг марказимизга юз минг сўмлик беғараз ёрдам пули топширганлигини жамоамизнинг жамият манфаати йўлидаги камтарин хизматиға берилган баҳо деб тушунаман.

- Опа, агар имкон бўлса, ўша "камтарин хизмат"ларингизни фактлар кўмағида изоҳлаб берсангиз?

- Сал узокроқдан бошласам, ўтган йили 350 дан зиёд кишига турли ёрдам кўрсатдик. 106 нафар аёл ва болалар марказнинг ўзида бевосита даволанди. 244 кишига турли руҳий ёрдам

уюштирилди. Уларнинг ҳам асосий қисми оналар ва болалар эди. Бундан ташқари вилоятимиз туманларида бўлиб семинар, тренинг, давра суҳбатлари ва учрашувлар уюштириб, тарғибот ва ташвиқот қўламни ҳам тобора кенгайтириб бораётимиз. Яқинда АҚШ Каунтернарт Консорциум жағфармасининг фуқаролар жамиятини ривожлантириш бўйича дастури танловида қатнашиб голибликни қўлга киритган бешлик ичида бизнинг марказимиз ҳам борлигини таъкидлагим келади. Шу аснода маҳаллаларда, умуман аҳоли ўртасида уч йил бемалол ишлаш учун муайян иқтисодий имкониятларга эга бўлдик.

- Келгусидаги режаларингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз?

- Барча туманларда ишонч марказлари очиш ниятидамиз. Ҳар бир маҳалла ва қишлоқда битта руҳунос ва тиббий-амалий ёрдам бера оладиган вакилимиз бўлиши учун ҳаракат қилаёмиз. Шу боис Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларидан ер олиб, ёрдамчи хўжалик очмоқчимиз. Шаҳарда эса марказимиз қошида каштачилик, гилам тўқиш ва кийим-кечак тикиш кичик цехларини очганмиз. Келажақда улар фаолиятини кенгайтириш ниятимиз бор.

Суҳбатдош:

Хайрулла ҲАМРОЕВ

ҲАР БИР ШАҲС МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИГА ЭГА



Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор. Ислон КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида белгиланишича: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ тартибидан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади".

Ушбу моддага асосан ҳар бир шахс ўз манфаатлари ва эҳтиёжларига кўра қандай фаолият билан шуғулланишни, қандай касб ва мутахассисликни танлашни ўзи ҳал этади. Меҳнат тўғрисидаги кодексга биноан, ишга қабул қилишни асоссиз рад этиш тақиқланган.

Конституцияда кўрсатилган адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқи фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқуқининг таркибий қисмидир. Меҳнат шароитлари бевосита қорхонанинг ўзида ва маъмурият билан ходим ўртасидаги қилишувга кўра қонун асосида белгиланиши мумкин.

Меҳнат тўғрисидаги қонун бўйича ҳар бир фуқарога меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, жумладан, суд орқали ҳимоя қилиш имкони берилган. Ходимни ишга тиклаш тўғрисида суднинг қонуний қўлга кирган қарори маъмурият учун мажбурий бўлиб, у дарҳол ижро этилиши шарт. Бунда ходимнинг бузилган ҳуқуқи тикланиш билан бирга, мажбуран ишга чиқмаган қўнлари учун ҳақ тўланади.

"Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқароларни ишсизликдан ҳимоялашнинг конституциявий ҳуқуқи белгилаб берилган.

Ушбу қонун бозор иқтисодиёти ва мулкчиликнинг турли шакллариға ўттиш шароитида инсоннинг иш билан таъминланишга оид ҳуқуқларини рўёбга қикаришининг ташкилий, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий кафолатларини белгилаб беради. Бу қонун маъқул келадиган ишни танлаш ва ишга жойлашишда ҳақ олмай кўмаклашишни, ҳақ олмай янги касб ўргатишни, ишсизлик бўйича нафақа тўлашни, ишидан маҳрум бўлганларга бериладиган бошқа кафолатларни кўзда тутати.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ, маъмурият ташаббуси бўйича ходимни ишдан бўшатишга фақат қасаба уюшмаси комитети розилиги билан йўл қўйлади. Фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини бузганликда айбдор бўлган мансабдор шахслар қонун бўйича интизомий, моддий, маъмурий жавобгарликка, муайян ҳолларда эса, жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

Ҳ. ТЎХТАМУРОД

"ОҒУСИЗ ДУНЁ САРИ"

Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси гиёҳвандликни олдини олишга бағишланган "Оғусиз дунё сари" кўрик-танловини эълон қилди.

Давр вазосига айланган гиёҳвандликнинг олдини олиш, бу офатнинг янги асрда ёшлар ўртасида кенг тарқалмаслиги учун кураш ҳозирги энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Бу ишларни амалга оширишда нафақат маъмурий орган ходимлари, балки кенг жамоатчилик вакиллари ҳам фаол иштирок этишларини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

"Оғусиз дунё сари" кўрик-танловиға иштирок этиш истагини билдирган санъаткорлар гиёҳвандликнинг келиб чиқиши, унинг асратлари, жамиятга ва инсон соғлиғига зарари ҳақида хикоя қилувчи сурат-лавҳалар, сахна асарлари, мақолалар, мусиқа ва кўшклар тақдим этишлари мумкин. Танлов бу тадбирнинг кенг қамровда ўтказилишини таъминлаш шубҳасиздир.

Танлов голиблари шу йил 26 июн - "Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кўни"да ўтказилиши режалаштирилаётган "Оғусиз дунё сари" хайрия тадбирида эълон қилинади.

Андижон вилояти

Самарқанддаги 10-Меҳрибонлик уй-мактаби жамоасининг биринчи эътибори болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган. Кулолчиликдан тортиб расм чизишгача бўлган 18 та тўғрақда ҳар кун иш машғулотлар ўтказилади. Болалар тайёрлаган кулолчилик, хунаремандчилик буюмлари бу ердаги кўргазмалар залини беэза турибди. Буюк Ипак йўлининг тасвирини ҳам тарбияланувчиларнинг ўзлари яратишибди. Аквариум тўғрағида хилма-хил балиқчаларни санаб адоғига етиш қийин. Катта қафасдаги сайроқи қушлар, гуллару ўсимликларни айтимайсизми...

Илм даргоҳида маданий тадбир бўлди. Унда 4-синф ўқувчиси Анатолий.Ташликов ўзбек

ИЛМГА, ТАШАББУСГА ТАШНА БОЛАЛАР

тилида шунчалик берилиб қўйладики, беихтиёр тенгдошлари унга жўр бўлишди.

- Менга ашула айтишни Меҳрибонлик уй-мактабимиздаги "Бинафша" фольклор-этнографик дастасининг бадиий раҳбари ўқтам ака Яхёев ўргатди, - дейди Анатолий. - Ҳаммасидан ҳам ҳозир ижро этганим - Ватан ҳақидаги кўшиқни яхши кўраман. 3-синфда ўқийдиган Вячеслав Мамкин ҳам мен билан бирга ана шу кўшиқни қўйлади. Жонажон Ватанимиз - Ўзбекистон ҳақида хали кўплаб кўшиқлар ўрганиш ниятидаман.

Бу ердаги болаларнинг ижодкорликка, ташаббускорликка қанқоқлиги уларнинг ўқишларидан, тўғрақларда фаол қатнашишларидан яққол сезилади. Ётоқхонада ҳам, ошхонада ҳам улар бир оила фарзандлари. Ҳаммаси ўзбек тилида бемалол гапирари, ўқийди. Бир-бирига ака-ука, опа-сингил, оға-ини. Улар қалбларида Ватан тўғриси.

Самарқанд вилояти

Бугун Ўзбекистонда...

САХОВАТ ВА МУРУВВАТ МАСКАНИ

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманида "СОС - Ўзбекистон Болалар маҳалласи" меҳрибонлик уйи фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

"СОС - Ўзбекистон Болалар маҳалласи"нинг қурилиши лойиҳаси устида иш бошланганига тўрт йил бўлди, - деди "СОС - Ўзбекистон Болалар маҳалласи" директори Алишер Алиматов "Туркистон-пресс" мухбирига. - Бундай қурилишлар ғоясига ярим аср муқаддам австриялик педагог гуманист Герман Гвайнер томонидан асос солинган ва бугун дунё оммаси томонидан қўллаб-қувватланган эди. Бугунги кунда эса жаҳоннинг турли ерларида бундай маҳаллаларда 60 мингдан зиёд етим болалар тарбияланмоқда.

"СОС - Ўзбекистон Болалар маҳалласи" ҳамдустлик мамлакатларида 11 йиллик иш тажрибасига эга бўлган Вильфрид Шикс раҳбарлигида бунёд этилди. Қурилишга сарфланган 2.5 млн АҚШ доллари "СОС Киндердорф Интернационал" Халқаро хайрия жағфармаси томонидан тўланади.

Алишер Алиматовнинг таъкидлашича, болаларнинг соғлигини шифокор-руҳшунос, педиатр ва дефектолог мунтазам равишда кузатиб туради. Мақсад болалар учун оила муҳитини яратишдир. Бу масканга ёрдам берувчи, қўллаб-қувватловчи ташкилот ва қорхоналар ҳам талайгина. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, "Назарбек" маҳалласидаги гулчилик хўжалиги ва ҳатто оддий инсонлар шулар жумласидандир. Шу пайтгача туман ҳокимлиги болаларга спорт анжомлари, гулчилик хўжалиги эса 1000 туб атиргул кўчати ва мини трактор совға қилишди.

"ТУРКИСТОН-ПРЕСС"

"Бизлар ўзаро севишиб, ота-оналаримизнинг рози-ризоликларига биноан турмуш қургандик. Ҳозир ҳавас қилгудек фарзандларимиз бор. Нимагадир кейинги йилларда онам билан хотиним орасидан оламушук ўтди, рўзгоримиз таъминоти анча яхши эса-да, уларнинг ёғи-бидиси кўнайди. Бу можарода аёлнинг айблай олмайдим, чунки у бола тарбиялашнинг, уй юмушчи давлат ишларини ўрнига қўйди, ота-онанинг атрофларида парвона. Лекин, барибир қайнонасининг кўнглини топа билмаётим. Онамни-да ёмонлашга ҳаққим йўқ. Нима қилишни билмай бошим қотди. Менга маслаҳат беринг, қандай йўл тутсам онам сақлаиб қолади ҳамда онамнинг-да дили ранжисмайди".

Муҳлисими мактубидан

Аллома ва мутафаккир Абдурауф Фитрат бундан юз йилча олдин бу ҳақда айтганди-ки: «(Бир) Кешининг онаси, хотини, икки-уч фарзанди бор. Аёли пок ва ёмонликлардан йироқ бўлиб, эрининг муҳаббатига ва розилигига сазовордир. Лекин, қайнона жаноблари келинлари касаларига шол-ғомни кам солганини пеш қилиб (накадар арзимас баҳона), келин билан уришиб, унга душманлик айлайдилар. Фарзанди ҳолини шундай танг қиладики, ўғли хотинини ҳайдаб, болаларини етим айлаб, яна кўп пул сарфлаб, қайтадан уйланишини талаб этади. Агар, ўғли онасининг шартини бажармаса, "берган сутимга рози эмасман", дея аразлайди. Хулоса қилиб айтганда, айрим ота-оналар фарзандларини диний ва дунёвий ишларда ҳам, умумий ва хусусий ишларда ҳам ўзларига тобе бўлишларини хоҳлайдилар. Бу эса зулм ва инсофсизликдир!»

Ҳўш, икки оёқ бир этикка тикилиб қолган бундай вазиятларда қандай йўл тутмоқ даркор. Фитрат ҳазратлари бу ҳақдаги юқоридаги фикрини шундай давом эттирди: «Ота-онага бўйсунишга амр қиладиган оят ва ҳадислари қандай тафсир этмоқ керак? Мен мударрис устозлардан бу саволимга жавоб сўрадим, лекин улар ҳам қийналиб қонқарли гап айтмадилар. Ҳатто: "Бу ишларнинг кетидан овора бўлма, нимаки китобларда ёзилган бўлса, ўшани қабул этгин. Зеро, сен бораётган йўл кулфат келтиради", -деб ҳақиқат излашни маън этардилар. Мен эса, муқаддас динимиз манбаларини синчиклаб ўрганганимдан сўнггина фарзанднинг бундай пайтдаги ҳақ-ҳуқуқларини англаб етдим», -деди у киши ва Куръони Каримнинг "Анкабут" сураси 8-оятдаги: "Одамзодга амр этдик-ки, ота-онанга яхшилик қил. Аммо, улар сенга ширк ва куфринга сабаб бўлувчи иш буюрсалар итоат этмагин" ҳамда "Луқмон" сурасининг 15-оятдаги: "Агарда ота-онанг мушрикликка (муслмончилик қондаларига зид ишларга) олиб келувчи ҳаракатга сени мажбурласалар уларга бўйсунмагин. Шунга қарамасдан, бу дунёда улар билан яхши яшайин" даъватларини исбот тариқасида келтиради ва шундай хулоса ясайди: «Мана шу иккита оятни қарима баён айландики, ота-она ўғилларини фақат ўзларининг хоҳиш-истаклари учунгина яхши хотинларини қўйиб юборишдек, ёки уларни мунтазам равишда ҳўрлашдек ширк ва куфрга мажбурласалар, фарзандлар уларга итоат қилмасликлари зарур».

ҚАЙНОНА - ОНА БЎЛСА...



Булардан маълум бўладики, мўмин-муслмонлар шариат қонунлари ижроси ва изхоридан келиб чиққан ҳолда адолат ва ҳақ йўлида ота-оналарнинг ўринсиз ҳафгарчиликларидан, ёки уларнинг ранжишидан андиша этмасликлари даркор. Ушбу фикрларнинг тўғрилигини қуйидаги ҳадис ҳам тасдиқлайди. Халифа Али жаноблари ривоят қиладики: "Набий салоллоху алайҳи васаллам дедилар: "Яқинларинг ношаръий ишга буюрса, қилишинг нотўғридир, шаръий ишларга буюрса, қилишинг тўғридир". Демак, бирон кишини онаси хотинини талоқ қилишга ноўрин мажбур этса, у онасига дини Ислмоннинг юқоридаги ҳукмларини тушунтириб, уларга асосан бундай қилолмаслигини ётиги билан англатиб, ушбу ножоиз буйроқ ширин ва оқилона сўзлар билан рад этиб, бошқа ишлари билан машғул бўлмоғи керак экан-ки, бу энг тўғри йўлдир.

Атоқли туркий маърифатпарвар - Олима ул Банот Охунд Лутфуллох Сулаймоний қизи бундан бир асрдан кўпроқ муддат олдин ўзининг "Муошарат одоби" китобида қайнона-келин муносабатлари хусусида тўхталиб, ёзган эдики: «Ўзаро жанжал, келишмовчилик бўлган уйда роҳат-фароғат йўқлиги ҳар кимга маълумдир. Бу сингари низолар кўпинча қайноналар билан келинлар орасида юз беради. Гарчи, бундай тортишувлар дастлаб эътибор-

га молик бўлмаса-да, вақтида муносиб даражада босди-босди қилинмаса ҳамда чек қўйилмаса, бора-бора зўрайиб кетади ва турли-туман зарарларни келтириб чиқаради. Боболаримиз: "Енғиннинг боши бир учқундир", -деб бежизга айтмаганлар. Шундай экан, қайноналар тажрибали ва кўпни кўрган эканликлари сабабли ўзларининг билганлари ва тадбирлари билан келинларини яхши одатларга, гўзал одобларга ўргатмоқлари лозимдир. Бордию аксини қилсалар, уларга

МУҲОАЗА.
МУҲОАДА.
МУҲОЗАРА.

рилади, ораларига душманлик тушади, охири бу уй ахли тарқалиб, хонавайрон бўлади. Аслида: Бир парокандаликнинг бош сабаби қайнонанинг ҳулқсизлигидан бошқа нарса эмас. Бундай ақсиз хотинларга тирик вақтида ҳеч ким раҳмат демас, ўлганларидан сўнг-да эсламлар, чунки бундайлар йўқлайдиган кишиларнинг кўнглиларини совутиб ўтганлар», -дея ҳаққоний таъкидлайди Олима отин. Ҳар қандай золим қайнонаиям меҳр, шафқатли, муруват-марҳаматли бўлишга ундайдиган ибратли са-

боқлар. Шундай эмасми?!

Уламоларимиз яна дейдилар-ки, "Баъзан хотунлар озгина сабабларини баҳона этиб, ўғиллари билан келинлари ёхуд қизлари билан кўёвлари орасини бузарлар-ки, бу таассуфли ҳоллардандир. Уларнинг вазифалари бузилган ораларни тузатмоқ экани ҳолда, тузук ораларни бузиб бадбахтликка сабаб бўлмоқлари жиноят ваҳшийликдан бошқа нарса эмасдир", яна айтадилар-ки: "Ҳар бир қайнона келинига зулм ўтказаетганида бошқа бир хонадонда ўзининг қизига ҳам қайнонаси шундай жабру жафо кўрсатиши мумкинлигини хаёлига келтирса, инсофга келса ажаб эмас", ёки "қайнонанинг келинга бўлган ёмон муносабатидан қайнона ва қайингиллар ҳам салбий намуна оладилар-ки, бундай оилалардаги келинларнинг жонларига тўзим берсин". Қатор қайноналарнинг келинлари фикрлари билан қўзиқиб ва билли мен ҳам уларга шуни тиладим.

Шу аснода келинларнинг қайноналар олдидаги вазифалари ҳамда бурчларига тўхталиб ўтмоқни зарур топдик. Маълумки, ҳар бир оилага келган янги аъзо - ёш келиннинг аҳоли дастлаб анча мураккаб кечади. Кўпинча келиннинг кейинги қисмати мана шундай вазиятларда рўзгор "имтиҳон"дан қандай "баҳо"да ўтишига ҳар томонлама боғлиқ. Бунда албатта келиннинг қайнона кўнглидан қай даражада чиқа билиши катта аҳамиятга эгадир. Демак, қайноналардан келинларига нисбатан шафқату марҳаматли бўлмоқлари талаб қилингани ҳолда келинлар зиммасига-да ўзларининг қайноналарига итоат этмоқ, астойдил хизмат қилмоқ топшириклари юкланур. Шундай экан, одобу ишчанликлари билан қайноналаридан дуо олган келинларни вақти келиб ўз келинлари ҳам бошларига кўтардилар.

Хуллас, хоҳлаётимиз-йўқми қайноналар орасида яхшилари кўп экани ҳолда ёмонлариям йўқ эмаски, бундайлар туйфайли эр-хотинларнинг ажралишлари ҳамда бошқа рўзгор зиддиятлари рўй бераётганлиги-да айни ҳақиқат.

Бердиёр ЖУМАЕВ

АВВАЛО КЎНГЛИНИНГ ПOKЛА...



Она қизим, яратганинг ўзи бунёд этиб қўйган бебаҳо сув билан баданимизни, кийим бошимизни,

идиш-товоқларни поклаймиз. Кўнглимизни-чи?!

Ҳар кун, ҳар соатда кўнглимизни поклаш ҳақида ўйлаймизми? Кўнглимиз дарёсига келиб қуйиладиган ариқлардаги "сув"лар покизми? Бўлмаса нега нуқул атрофимиздаги одамлардан камчилик излаб, уларга қарши курашмоққа, енгмоққа чоғланамиз-у ўзимизни енгилга, ўзимизни қўлга олишга ҳаракат қилмайми. Эримиз ёмон, болаларимизда ҳам камчиликлар бор, қайнона-қайнона-ку аллақачон ёмонга чиққан, қўни-қўшинларда ҳам камчиликлар тўлиб ётибди. Ишхонадагилар, раҳбарлар, эҳе, ҳамма ёмон! Яна ўзимизни тафтиш қилиш хаёлга келмайди,

вассалом!

Ох, қизим-а, агар аввало кўзимиз атрофга ҳаё, ибн, жиндек меҳр билан боқса, яхши нарсаларни, инсоннинг яхши томонларини кўра билса! Оғзимиздан ширин, маъноли, ақлли сўзлар чиқса ва у ҳаром-ҳариж таомларни ёйишдан тийилса! Қўлларимиз бейғимига минг шукроналар айтиб, фақат зўғулик, савоб, яратувчанлик ишларига хизмат қилдирсак ва бу қўлларимиз бировга заррача озор бермаса! Оёқларимиз беҳуда йўлларга - нопоклик, ўрилик, қаллоблик томонларга бошламаса! Ва ниҳоят, дунё овозини, дунё гўзаллигини, қушлар сайрашини-ю, болаларимизнинг ширин кулгуларини, қуй-садоларини эшитишга қодир бўлган қўлк-

ларимиз ғийбат, фисқу-фасод, одобу тарбияга зид бўлган сўзларни тингламаса!

Ҳаётимиз янада гўзал, оилалар янада аҳил, турмушимиз янада фаровон бўларди. Тирик етимлар, деган гапларга ўрин қолмасди.

Ҳа, қизим, агар ҳар биримиз аввало ўзимизни англай билсак, яна айтаман, кўнглимизни поклай олсак, атрофимиздаги одамларга ёруғ нур тарата олсак - кўпма ёмонлик кўрмасак керак. "Аввало ўзингга бок, кейин ногора қок" мақоли ҳам беқора тўқилмагандир. Нимага-ки эришсанг, ўз феъл-атворингдан кўр, деганлар донолар.

- Ё Али, ёдингда бўлсин, ўлганлар билан бир даврада ўтиришма.

- Ё расулуллох, қайси ўлганлар?

- Ўлганлар - жаҳлат ва ғафлат ахидирлар! - деган эканлар пай-

Қизим сенга айтаман,
келиним сен эшит...

ғамбаримиз.

Ҳа, қизим, жаҳлат ва ғафлатдан йироқ бўл, демакми кўнглингни покла. Яхшилик сувлари билан покла! Яхши ният, яхши тилак, яхши орзу ҳамроҳинг бўлсин. Иншооллох бу хусусиятларнинг болаларинга ҳам ўтгай. Сен ҳар кун болаларингга ўзлари ўқитган дарсларга қўшимча биттадан ҳадис ва тўрт қатор яхши шеър ўргат. Ёд олишсин! Албатта, ҳар кун! Бир йиллик натижани ўзинг ҳисоблаб олавер! Кўнглинг дарёсига покиза сувларни олиб борадиган ариқларнинг биттаси бу! Қолгани ўзингга ҳавола!

Санъат МАҲМУДОВА

Агар ҳаётда жуда бахтли бўлсангиз, лекин доимо нимадандир хавфсиз раб яшасангиз унда... Дунёнинг осойишталиги оламнинг шодлиги ҳам кўзингизга кўринмас экан. Менга кўнғироқ қилган бир аёлнинг ҳасратларини эшитганимда шундай фикрга келдим.

- Биласизми, мен жуда-жуда бахтлиман, - деб сўз бошлади ўзини Раёно дея таништирган аёл. - Мен асли оддий меҳнаткашнинг оиласида улгайганман. Уч ўғилу тўрт қиз эдик. Оддий

- Синглим, унда сизни нима бунчалик безовта қилади?

- Биласизми, биз икки нафар фарзандли бўлганимиздан кейин бир куни чидолмасдан ҳамма гапни эримга айтдим. Синглимнинг шунақа йўлга кириб кетганлигини яширмадим. Кейин: "Адаси, бу воқеани сиздан яширганам учун виждоним қийналиб яшаб келдим. Агар буни тўйдан аввал билганингизда менга уйланган бўлармидингиз?" - деб сўрадим. Шунда эрим қалбимни вайрон қилганича: "Агар

Гулдек икки нафар боланинг онасисан, ота-онамнинг ҳам кўнглини топган бўлсангиз Сени яхши кўраман. Синглимнинг йўриги бошқа-ку, илтимос мени кечиргин", - деди. Шундан кейин эримнинг сўзларидан қалбимга етган озорларни унутдим. Бахтли яшайвердик. Учинчи фарзандим, қизим туғилди. Мен эса фаризадеккина қайнона-қайнотамнинг хизматларини адо этишдан, фарзандларимни оқ ювиб-оқ тараздан толмасдим. Чинакам бахтиёрлигимдан синг-

Кўнғироқларингиздан бири

воқеа сабаб бўлдим?

- Йўк, асли мақсадим бошқа. Менинг эрим ҳар чоршанба чойхонадаги дўстлари билан "гап" ўйнашади. Шу куни албатта "Оила ва жамият" газетасини олиб келади. Мен эса уни уйда қайнона-қайнотамга ўқиб бераман. Кейин улар ҳар бир мақолани, воқеани шарҳлаб ўтиришади. Мен истардимки сизлар шу воқеани ҳам босиб чиқарсангиз бунини мен қайнона-қайнотамга бошқа бировнинг мақоласидек ўқиб берсам... Уларнинг бу воқеага (синглимга) муносабатлари қандайлигини билишни истайман. Балки улар бунинг опасига алоқаси йўк, опаси айбдор эмас, бунини яширгани учун, деб баҳолашар. Эҳтимол ана шундагина мен ўзимни неча йилдан буён эзиб юрган виждон изтиробларидан қутуларман. Дунёда кўп аёллар орзу қилиб, баъзан етиша олмайдиган тўқис бачим бор. Оиланинг менга суянган устунлари қайнона-қайнотам, турмуш ўртоғим ва ўзим. Уларга суяниб яшайман, лекин шу синглим сабаб мен суянган устунларимнинг қулашидан жуда қўрқаман-да... Кўнғироқ қилишимнинг боиси ҳам асли шу эди.

Мен телефон қилган аёл, Раёнони кўлимдан келганича юпатдим. Бу қайтар дунёда ҳар ким ўз қилмишига яраша жавобини олишни тушунтиришга ҳаракат қилдим. Воқеани баён қиларканман онахону табарруқ отахонларимизга мурожаат қилгим келди. Ушбунини ўқиб қандай қарорга келган бўлардингиз? Эҳтимол сизларнинг узоқ ўтмишингизда ёки шу бугунги ҳаётингизда шундай воқеалар бўлгандир? Бир аёл ўз бахтини қўлида сақлаб қолиш учун қачонгача бунини яширади, билмадим. Бир куни унинг синглиси ҳақидаги миш-мишлар уларнинг қулоғига етса... Гулдек оила дарз кетмасмикан? Уч фарзанди тирик етим бўлиб қолмасмикан? Ёки Раёно тўйдан олдин ҳамма гапни айтиши керакми? Шўрлик Раёнонинг неча йилдан буён бахтини асраш учун жон ховчулаганини айтинг... Агар бу гуноҳ бўлса, бундай гуноҳни кечирши мумкинми? Оқсоқол, мўйсафид оталаримиз, доно оналаримизга мурожаат қилиб, сиз азизларнинг бу ҳақдаги фикрингизни қутиб қоламиз.

БАСИРА

БАХТЛИ ОИЛАНING КЕЛИНИМАН,

яшасангиз ҳам жуда ахил, меҳнаткаш бўлганмиз. Томорқада ишлаш, сигир соғиш, боғдаги ишларни бажариш, онамизга уй-рўзғорда ёрдамлашишни ўрнига қўярдик. Катта бўлганимиздан кейин ота-онамиз бизни орзу-хавас билан ўзимизга яраша рўзғор қилиб узатиб, уйлантира бошлади.

Шу вақтда бир синглим, (мендан кейинги) кўчадаги ёмон қизларга қўшилиб қолди, уни уришиб ҳам, яхши гапириб ҳам ҳеч йўлга сола олмадик. Хатто маҳалладагиларга ҳам унинг бузуқ йўлга кириб кетгани ошкор бўлди. Айна шу кунларда эса менга совчилар келишиб тўй куни ҳам белгиланди. Онам бечора то тўй ўтгунча "қудалар синглимнинг бу қилмишини билиб қолишиб айнаиб кетишадими", - дея қўқиб юрди. Йўк, хайриятки ҳеч ким қудаларга синглим ҳақида гапирмади. Тўйимиз ҳам чиройли ўтди. Мен Тошкентдаги энг баобрў, бадавлат хонадонлардан бирига келин бўлдим. Жуда бахтиёр эдим. Қайнона-қайнотам художўй, ажойиб одамлар бўлиб гўёки "Ўтган кунлар"даги Юсуфбек хожи билан Ўзбек оймга ўхшайдилар.

- Нима бўлди, кейинчалик улар синглим ҳақида билиб қолишдими?

- Йўк, опахон! Улар ҳеч нарсани билишгани йўғу, менинг ичимни нукул ит тирнаб юрарди. Бу орада фарзандлик ҳам бўлди. Энди бу оила аъзолари мени шу қадар авайлашар эдики, бундан беихтиёр кўнглим бузилиб кетарди. Эримнинг ота-оналари асли олижаноб, диёнатли одамлар. Ҳозир ҳам мени эъзозлашади, лекин...



БИРОҚ...

бунини тўйдан олдин билганимда эди, сенга ҳеч қачон уйланмасдим!" - деса бўладими? Шунда оёғимнинг остидаги ёру-замин чир айланиб остин-устун бўлиб кетгандек туюлди. Эримга бу ишда мен айбдор эмаслигимни айтиб зор-зор йиғладим. Лекин қалбимни қаттиқ оғринтирганини билса ҳам юпатувчи бир сўз айтмай эрталаб ишга кетди. Бироқ орадан кўп ҳам ўтмай...

- Бирор фожеа юз бердими?

- Ҳа, эрим машинаси билан фалокатга учрагани ҳақида хабар келди. Эрим касалхонада анча ётди. Тузалиб уйга келганидан кейин эса: "Мени кечир Раёно, ўша куни сени қаттиқ ранжитгандим. Сенинг кўнглинг қақшаб қолганди. Шунинг учун Оллоҳимнинг ўзи мени жазолади. Ахир сенда нима айб?

Бир куни уйимизга синглимдан хабар келибди. У тўққиз қаватли уйнинг тепасидан тушиб кетибди. Хуллас, у ҳушига келганида ота-онамизнинг адресини айтибди. Кўргани борсак қароватга михланиб ётибди. Умуртқаси уч-тўрт жойидан синган экан. Умрбод тўшаққа михланиб қолибди энди. Уни уйга олиб бормадик. Махруқлар уйига жойлаштирдик. Агар синглимни уйга олиб борсак етилиб келаётган икки синглимга ҳам бунинг касри уриши мумкин эди. Бу воқеани эримга айтганимда у: "Кўявер, сизилмагин, қингир йўлга юрганинг жазосини Оллоҳнинг ўзи бераркан", - деди. Синглимга барибир ачинаману, лекин у ўзига-ўзи қилди.

- Бизга телефон қилишингизга шу

ФАРИШТАДЕК БЕҒУБОР ЭДИНГИЗ

Падари бузрукворим
Иброҳим Берди Амин
ўғлини эслаб...

Бирор нарсани йўқотган инсон уни топиши мумкин. Аммо инсон йўқотилса-чи... Ох менинг ота-онам, фариштадек пок ва беозор эдингиз. Ота-онам бир сўзла ва чин сўзла инсон, юришларини кўрганлар салобати босади дейишарди. Уйда ҳам, маҳалла-қўйда, ишхонада ҳам ёру дўстлари ва оғайинларининг сардорли бўлиб юрар эдилар. Ёрдам сўраган кишини бирортасини ҳам умидсиз қилиб қайтармас эдилар. Ўз ишлари қолса ҳам бошқалар юмушига бош бўлар эдилар. Айниқса биз фарзандлар учун суянган тоғимиз, ёмғир ёғса осмонимиз, душманларимиз учун қалқонимиз, бетоб бўлсак табибимиз эдилар.

Ох, отахон, ҳаммамизни ўқитдингиз, онамга "болаларинг эмас, мен ўқияпман", - деб ҳазил қилар эдингиз. Лекин меҳнатингизни самарасини кўра олмасдан бу ёруғ оламдан эрта кетдингиз. Қизларингизни иккитаси педагог, тўрттаси тиббиёт ходимаси, икки ўлингиз эса икки ишлар ходими бўлишди.

Инсон гулларнинг яхшисини олганидек, Аллоҳ ҳам инсонларнинг гулини олар экан, сиз ҳам ўша гуллардан бири эдингиз.

Бизнинг энг қувончли ва бахтиёр кунларимиз сизнинг триқилгингизда бўлган экан. Энди биз ўша дамларни соғиниб эслаймиз ва хотирлаймиз. Сизнинг орзу ва истакларингиз бисёр эди. Ана шу орзу-истакларингиз абадиёт билан кўксингизга армон бўлиб кетди. Отахон,

Аллоҳнинг севган бандаси, биз учун эса дунёда яккаюргана бебаҳо, азиз инсон эдингиз. Бунини ҳаётингизни сўнгги кунларида узоқ-яқиндаги ёру-дўстларингиз ва элу оғайинларингизни кўришга улгуриб, улар билан шошиб суҳбатлашиб хайрлашганларингиздан ҳам билиш мумкин.

Ўтган 57 йиллик умрингизни 40 йилни ҳалоллик ва поклиқни шор қилиб халқ учун, туманимизни кўрки учун бағишладингиз. "Яхшидан боғ қолади", - дейдилар. Сиздан эса боғлардан ташқари, сиз қурдирган мактаблар, боғчалар, савдо дўконлари ва бошқа қад кўтариб турган бинолар қолди.

Ойгул БЕРДИЕВА,
Ғиждувон туманидаги
33-мактаб ўқитувчиси

СИЗНИ СОҒИНДИМ, БУВИЖОН

Бувижоним Иқбол ая фаришта мисоли меҳрибон, очик кўнғил ва биз учун сеvimли буви эдилар. Бувижонимнинг бу ёруғ дунёдан ҳеч ҳам армонлари қолмади, деб ўйлайман. Чунки 5 ўғил, 5 қизлари; 5 келинлари ва 5 кувёллари, 50 га яқин набиралари, 10 дан ортиқ чеваралари бор. Бувижоним ҳамма фарзандларини ўқитиб олий маълумотли қилганлар. Бувижоним оиланинг маънавиятини, барча сир-асрорини яхши билдиган инсон эдилар. Бунга далил сифатида "Оила" йилида Самарқанд вилояти бўйича оила қўрик-танловига дадажонимнинг оилалари 1-ўринни эгаллаб, республикада эса 2-ўрин совриндори бўлганликларини келтириш мумкин. Инсонларга фақат яхши ва эзгу

ниятлар билдирган азиз бувижон эдилар. Ҳар куни неча бор дас-турхон атрофида ўтирганимизда Аллоҳимдан юртимизга тинчлик, осойишталик, эл-улусга хотир-жамлик истаб қолардилар. Қанинги мен ҳам бувижоним сингари бахтли, пок ниятли, беғубор қалбли, меҳнатсевар, бағри кенг инсон бўлсам. Бувижоним бамисоли фаришта эдилар. Бувижоним илоҳим хурлар билан сайр этиб, ҳавзи кавсарлардан шарбатлар ичиб юринг. Сизни дуоларингизни, ширин-шакар гапларингизни жуда-жуда соғиндим. Сиздек зиёли бувижонлар бу дунёда кўпаяверсин. Илоҳим бахтимизга онажонларимиз, бувижонларимиз омон бўлишсин, уларнинг дуоларини олиб яшаш бизларга насиб этаверсин.

Дилфуза ҒАЙРАТЖОН қизи
Қарши шаҳри

Олийгоҳда ўқиб юрган кезларим гуруҳимиздаги новқотлик К. исмли қизни севиб қолдим. У мендан тўрт ёш кичик эди. (Мен икки йил армия хизматида бўлдим, икки йил олийгоҳга кира олмадим). У ҳам менга мойил эди. Мен севгимни дилда пинҳон сақладим. Ниҳоят учинчи босқичда бизни пахта йигим-теримига сафарбар этишди. К. нозик ниҳол бўлганлиги сабабли пахта тера олмай қийналарди. Мен уни ёнимда олиб юрар, кўмаклашар, баъзан терган пахтадан униқига қўшиб ҳам кўярдим.

Бир кун у менинг кўйлагим ва сочиқларимни ювиб бериш учун сўраб олди. Муносабатларимиз тобора чуқурлашиб борди. Ниҳоят, бир кун унга «ёрилдим». У аввал қулди, сўнг чўқур хўрсиниб: «Илоҳи йўк. Мен хўжалар авлодиданман. Дадам "қора"га бермас керак. Иккинчидан, мени унаштириб қўйишган», - деди. Танамдан аланга чиққанда бўлди. Кўз ўнгим қоронғилашди.

- Агар рози бўлсангиз акасингил тутинайлик, - деди К.

- Тақлифингиз учун раҳмат. Сиз ё рафиқам бўлишингиз керак, ё ҳеч ким!

Олийгоҳни битиргунча у ҳам билан «юрмади», мен ҳам ўзга қизга тиш ёрмадим. Воқеани ойимга гапириб бердим.

- Бошингизни эгма, ўғлим, гам чекма, - деди ойим. - Новқотлик бўлмас бўлмас. Узоқнинг бугдидан ақининг сомони яхши, - деганлар машойихлар. Қишлоқдаги қизларни кўрдингми, ўзи? Бети-га чертсанг, қон томади, сочи орқасига сигмайди. Биттасини маҳкам ушлаймиз, тамом, вассалом.

Шундай бўлса ҳам кўнглим бўлмади. Новқотга бордим. К. ишалаётган мактабда у билан учрашдим. Уни маънос кўрдим. Унаштирилгани аллақачон бошқа қизга уйланибди. Лекин у менга тайинли жавоб бера олмади.

Тақдир экан, қўшни қишлоқлик М. исмли қизга уйландим. Мен

дан етти ёш кичик. Йигирма беш йилдан буён ширин турмуш кечириб келяпмиз. Икки қиз, тўрт ўғиллик бўлди. Хўжа қизидан жавоб ололмаган меҳримни ра-

қилиши керак эди.

Гулнозада нима айб? Унинг ота-онаси яхши ният билан кувёга берса-ю, нобакор эр юзини терс ўгирса. Ҳали кўзи очилмаган келин шўрлик нисоҳи кўзи ис-

бингиз Дилшодга боғланиб қолгандир. Нима бўлганда ҳам мен Дилшоднинг қалбига ёруғлик кўрмаяман.

Энди икки оғиз Дилшоднинг никоҳдан олдинги яхши кўрган қизи тўғрисида гапирсам. Агар у қиз Дилшодни севган бўлса, нега севгиси учун курашмади? Назаримда у қизда ҳам, орият етишмади. Энди гишт қолпидан кўчганда Дилшод билан учрашиб нима қилади? Қандай нияти бор кўнглида? Ахир турмуш, оила ўйинчоқ ёки кўнгли эрмаги эмас-ку. Бунга умр савдо-си, деб қўйибдилар. Оила, бурч, масъулият тўғрисида ким уйлайди? Ҳар қалай у қиз ҳам менда яхши таассурот уйғотмади.

Гулноза синглим! Бошингизни кўтаринг, йиғлоқи тўғўларни қалбингиздан чиқариб ташланг. Бу ҳаёт ўзига тик боқувчи, қалби аяшган лиммо-лим бўлган иродали инсонларга муруват кўрсатади!

Абдулаҳад ўрмонов,
Аска туманидаги
7-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси

ИРОДАЛИ БЎЛИНГ

«Дугонамнинг айби нима?» - 13-сон

ЭСЛАТМА: Дугонам ота-онасининг хоҳиши билан турмуш қурди. Тўйдан кейин кўви билан мурасаси келишмади. Маълум бўлишча у бошқа қизни севаркан. Бу муносабат тўйдан кейин ҳам давом этаётган экан. Ёшларни бошини қовуштираётган ота-оналар нега уларни қалбига қулоқ тутушмади...

НАЗОКАТ

фикамга баҳшида қилдим.

Уэр, гапим чўзилиб кеди. Энди мақолага келсак. Дилшод иродаси ношуд йигит экан. Аввало, у севгиси учун курашмаган. Севгилсининг ўзига бўлган аниқ муносабатини билиши керак эди. Бирда унамоса, яна совчи юборса бўларди-ку. Гулнозага уйланмай туриб, масалани ҳал

мардлик етишмади. Яна ким билади, мен янглишаёндирман. Аммо воқеалар ривожига фикримни исботлаб турибди.

Синглим, Гулноза! Қалбингизга қулоқ солинг. У нима деяпти? 5-6 ой ичида сизда Дилшодга нисбатан ё муҳаббат уйғондими? Балки шундайдир. Ҳали ҳеч кимни севмаган покиза қал-

ҒАНИМЛАРНИ ҚОЛДИРИБ ДОҒДА...

«Улар йигит бўла туриб...» - 30-сон

ЭСЛАТМА: Маҳмуд билан севишди-у, лекин уни ота-онаси бошқа қизга уйлантиришди. У уйлانгач ҳам меши олдима келарди. Менга совчи юбормоқчи бўлган йигитларни айнига бошлади. Севиб борлигига ишонмай қолдим.

ХОЛИДА

Холидахон қизим! Дил изҳорингизни ўқиб, гулдек қалбингиз афсусу надоматларга тўлганига ачиндим. Маҳмуджонга бўлган муҳаббатингиз «юлдуз кўрмай, жон берибди». Бунга қарангки, сизга севги изҳор қилган мактабингизнинг энг олди йигити бўлган Маҳмуд сиз қолиб, ўзининг ихтиёри-сиз, отасининг қистови билан амакисининг қизига уйланиб кетибди. Эвоҳ, бизнинг одамларимизга нима бўлган? Радио, телевидение ва барча рўзномалар яқин қариндош билан турмуш қургандан кейинги муаммолар ҳақида қайта-қайта бонг уришига қарамай, катталар ўз билганини қилиб ёшларнинг бахтсизлигига сабаб бўлганига нима дей? Ачиниб ёзишингизча: «Ҳозир Маҳмуднинг бир ўғил, бир қизи бор. Хотини билан яқин қариндош эмасми, иккала фарзанди ҳам касалманд», эмиш. Зораки, бу мушкулот бошқалар кўзини очса...

Ўша Маҳмуд сизни ҳақиқатан ҳам севган бўлса, иккинчидан бахт тахтини қуришингизга астойдил интиларди.

Менимча, Маҳмуд сизни юракдан севмаган. Чиройингизни ҳавас қилган бўлса керак. Ёзибсиз-ку, «Мақтаниш эмас-у, тенгдошларим орасида энг олди қизлардан бири мен эдим», - деб.

Ачинарлиси шундаки, Сиз чиройингизга махлиё бўлиб, «Ишқ бошқа, ҳавас бошқа», - деб қуйланганидек хатога йўл қўйгансиз.

Маҳмуд чинакамига сизни севганда эди, бўлар иш бўлгач, сизнинг ҳолингизга ачинган, тинч қўйиб, ҳаётингизга аралашмаган, қўшни йигитга сиз ҳақингизда бўлмағур иғволарни тарқатиб, йўлингизга тўғаноқ бўлмасди.

Маҳмуд билан қўшни йигитнинг сиз ҳақингизда иғво тарқатиши йигитларга номуносиб майда гап-лик, иғвогарлик бўлиб, уларни номардлик кўчасига кирганлигидан далолат беради. Сиз бундайларни Аллоҳга солиб қўяверинг. Улар дилдорликлари учун Аллоҳдан «муқофот»ни олишлари аниқ. Чунки ҳадиси шарифларда: «Бировни кўнглини ранжитган мендан эмас» дейилган, яъни дилдорларга мўминлар сафидан ўрин йўқ эканлиги таъкидланган. Холидахон, «Йигитларнинг бўлмағур қилиқларидан жоним ҳиқилоғимга келди», - деб фарёд чекманг. Ҳали осмон тўла булутлар тарқалиб, қуёш қарақлаб чиқади, бахтингизни Аллоҳдан сўранг. Сизга бахт тилаб қоламан.

Афифа ҲАСАН қизи

ТУШУНМОВЧИЛИКЛАР ОЛДИ ОЛИНСА

«Иккимиздан ҳам хато ўтди» - 40-сон

ЭСЛАТМА: Ёримни чимидиқ ичида кўрдим. Афсуски, биринчи кечадан сўнг кўнглимга шубҳа оралади. Кўп ўтмай ажрашдик. Бошқага турмушга чиқдим, уни унутолмайман.

ЗУЛУХУМОР

Малоҳатнинг мактубини ўқиб, ҳайрон қолдим. Агар у чиндан боқира бўлса, нега қизларда биринчи кечада юз берувчи ҳол унда содир бўлмади? Сабаби нимада? Ёки Зулхуморнинг мақоласи ҳам менда таажуб уйғотди.

Ахир бу оддийгина гап эмас-да, бундай вақтда қиз бола-нинг шаъни орқасидан қанчалаб диллар хира бўлади. Қайнота-қайнона, кувёни кўнглига шубҳа оралайди, қизнинг ота-онасининг боши эгилади, қиз эса ўзини қаёнга уришни билмай аросатда қолади. Шундай вақтда қиз бола ўзининг поклигини исботлаш учун кимга мурожаат қилиши керак? Ахир қиз бола ҳам не-не орзулар билан турмуш қуриб, ўзга уйга қадам қўяди. Бегу-бор орзулари ушалиши умидида гўшангага киради.

Кўпчилик дилидаги бу гаплар менга ҳам тинчлик бермай, кўлимга қалам олишга мажбур бўлдим.

Халқимиз ўз фарзандларини ёшлигиданоқ шарқ халқ-ларига ҳос одоб-ахлоқ, юксак андиша, камтарлик, ҳаёли-иболо руҳда тарбиялашади. Аммо, баъзан тиб-бий тушушчага эга бўлмаган йигит-қизлар оила қурган, қўпгина муаммоларга дуч келишади. Ёшларнинг тиб-бий саводсизлигининг сабабларидан бири мактабда уларга «Оила этика ва эстетикаси» фанидан сабоқ бе-

«Уйда тўй тарадудди, мен эса...» - 44-сон

ЭСЛАТМА: Шерзод билан дўст тутишиб, севишдик. Қуларнинг бирда у ота-онаси менга уйланишга қар-ши эканлигини, ундан ҳомиладор бўлсамгина рози бўлиш-лари мумкинлигини айтди. Афсуски, ҳамма қизларда юз берадиган ҳол менда бўлмади. Энди уйдагилар Бах-тиёр деган йигитга узатишмоқчи-ю, мени эса виждо-ним азобда...

МАЛОҲАТ

раётган ўқитувчиларнинг ўқувчиларга фани етарли тарзда етказолмаётганида деб биламан. Қолаверса, ўта андишага бориш оқибатида биринчи кечада йигит ва қиз аросатда қолади. Уларнинг бир-бирини тушунмас-лигида янгаларнинг ҳам қўли бор деб уйлайман. Йигит-қизларнинг келгусида боши берк кўчага кириб қол-масликларининг олдини олишнинг бирдан-бир йўли мактабларда ўқувчиларга бу фани малакали мутахас-си ўтиши лозим. Ана шунда Зулхумор ва Малоҳат қаби қизларимизнинг бошлари эгик, қалблари армон ичра қолмайди деб уйлайман.

Шу жиҳатдан юртбошимиз бошчилигида мамлақати-мизда соғлом авлодни тарбиялаш юзасидан олиб бо-рилаётган ишлардан қувониб кетаман. Соғлом бола-соғлом оилада дунёга келади. Ҳар бир йигит-қиз оила қуришдан аввал (ўзлари учун) тиббий қуриқдан ўтиш-ларини маълумлашмиш. Соғлом кишигина оилада тўла бахтиёр бўла олади, эр-хотин ўртасида тушунмовчи-ликлар келиб чиқмайди. Мен юртимиз қизларининг барчаси бахтли, оилалари мустаҳкам бўлишини жу-да-да истардим.

Ж. ЮСУПОВА

Бухоро вилояти

ОЁҚЛАРИНГИЗ ОСТИДАГИ МАЙСА ҲАМ ОЗОР ТОПМАСИН

«Унга уйланишмоқчиман, лекин...» - 51-сон

ЭСЛАТМА: Ўзим ўртаҳол оиладанман. Уйланма-ганман. Яқинда М. исмли ўзимдан беш ёш катта, икки фарзандли аёл билан танишиб, ёқтириб қол-дим. Уйдагилар бундан беҳабар...

ЖАСУР

Иним Жасурбек, аввало ўша аёлнинг икки гўда-ги бор экан. Икки норасида фарзандга сиз ота бўла оласизми? Оталик меҳрини бериб, бағрин-гизга боса оласизми? «Қизалоғим», «тойчоғим» дея юракдан эркалаб суярмакисиз? Вақти келиб ўзин-гиз ҳам шу аёлдан фарзанд кўрсангиз, ўйга кўз билан қарамаслигингизга ишонасизми? Кечира-сиз-у, тақдирингиз қўшган бўлса, ўша аёлни со-чларини сиздан аввал кимдир силлаганини, қўзла-рига тикилиб дилрозлар айтганлигини, бир ёстиққа бош қўйиб 2 фарзанд кўрганлигини, ёши ҳам қат-талигини вақти келиб юзига солмайсизми? Кўз олдингизда ўша нотаниш йигит (аёлнинг турмуш ўртоғи)нинг сиймоси гавдаланмасмикан? Ўсиб-улайиб келаётган шу гўдақларда ўзга ниғохчи, қош-қўзларни қўриб таъсирланмасмикансиз?

Қалбингизга қулоқ солиб кўринг, бу ўтқинчи ҳо-ҳавас эмасмикан? Уни чин муҳаббатлигига ишо-насишми? Бир маротаба бахтига қуйган аёлнинг мунгли қўзларидан яна бахтсизлик ёшларини окизиб, қарғишга қолмайсизми? Бу бешарфат дунёда рўзгорнинг гори бор, ҳаётнинг бешарфат синовлари, залворли зарбалари бор, бир маъ-сума аёлга чин бахтни оло этласизми? Ота меҳ-рига зор бегуноҳ нарасаларга бағрингиздан жой бероласизми? Ота-онангиз, дўстларингиз нима дейишади?

Ҳаётда бир бора бахтини йўқотган аёлни яна бахтсизликка ошно этмаслигингизга кўзингиз ета-дими? Яхшиши у аёлга эмас, бошқа қизга меҳр қўйганингиз дуруст. Чунки халқимиздаги: «Кўз очиб кўрганим» деган бебаҳо ўхшатиш ноўрин айтилган. Балки у аёлнинг сиз билмаган қамчи-ликлари бордир? Нима учун икки гўдаги билан оиласидан ажрашибди? Суриштириб билдингиз-ми?

Жасурбек! Сиз шундай қарорга келиб иш тутин-ки, босган қадамингиздан нафақат ота-она, ўша аёл, маҳалла, ёру биродарларингиз, балки оёқла-рингиз остидаги майсалар ҳам озор чекмасин. Дилингиздаги орзу-умидларингиз гунчаси бир умр гурқираб турсин. Йигит бошингиз эгилмасин. Сизнинг солиҳ амалларингиздан барча рози бўлсин. Ёмонларга ёндошманг, тўғри йўлдан адашманг, қалбингизга қулоқ тутинг, қашқаб қол-ган бир муштипар аёлни бахтингизга ошно қилол-сангиз майли, агар кўзингиз етмаса, уни аро йўлда аросатда қолдирманг. Сизга аталган бахт гунчаси қайсидир хонадонда яшаб юргандир. Сизга бахт тилайман. Асло адашманг, алдаманг, алданманг.

Машхура ИСОҚОВА

Андижон вилояти,
Пахтабод тумани



Мухтарам отажонимиз Иброҳимжон ЭҒАМОВ!

Сизни 15 март - тутилган кунингиз билан қутлаймиз. Биз фарзандларингизнинг бахтига сиз бўлинг, уфрингиз удоқ бўлсин.

Оила аъзоларингиз

АҚЛИ, САБР-ҚАНОАТЛИ, ДАРДГА ДАРМОН ЁР ИСТАЙМАН...

Ёшим 26 да. Асли Андижон вилоятида туғилганман. Ҳозир Сирдарё вилоятида яшайман. Йигитлик бурчимни аъло даражада ўтаб келиб уйландим. Хотиним оқила, хушмуомала аёл эди. Қайнонамнинг бойлигини пеш қилиб камситиши, рўзгоримизга аралашуши туфайли ажрашишга мажбур бўлдим.

Уй-жойим бор, топиш-тутишим Худога шукр, жойида. Ақлли, сабр-қаноатли, оғир кунларда бирга-бирга дардлашадиган жувон ёки қиз бўлса, бахтли турмуш қуришни ният қилганман.

Сирдарё вилояти

МАШАҚҚАТГА ЧИДАБ ЯШАРАЙМ

Ёшим 18 да. Тақдир тақозоси билан уч ёшимда онамдан эрта айрилдим. Дадам уйландилар. Тўрт фарзанд туғилди. Ақлимни таниганимдан буён онам бутун рўзгор ишларини мени зиммамга юкладилар. Негадир жанжал чиқариб, мени уришавирадилар. Бир кун кечки пайт яна жанжал бўлди. Онам мени аччиқ устидан кўчага ҳайдаб юбордилар. Менга ҳам алам қилиб, бошим оққан томонга кетгим келарди. Афсуски, шу кун мени гунча янглиг очилмаган орзу-умидларим барбод бўлди. Шу кун йўлда учраган бир йигит мени ному-

симни поймол қилди.

Кўп ўтмай бу гапдан оиламиздагилар ҳам хабардор бўлди. Бу воқеанинг рўй берганига бир йил бўлгани йўқ. Лекин мен ҳамон эстиробдаман. Қўлимдан ҳамма иш келди. Уйим-жойим дейдиган, яхши ниятли, оилани қадрлайдиган, ақлли, идрокили, 35 ёшгача бўлган йигит бўлса, турмушни барча машаққатларига чидаб яшардим.

Манзилим тахририятда.

О.

Ш.

ОТ ЎЛИМДАН САҚЛАДИ

От ва инсон дўстлиги жуда қадим замонларга бориб тақалади. Дадам раҳматлидан эшитганим бу воқеа ҳам худди ана шу ҳақида.

Урушнинг сўнгги йиллари. Мамлакатда очлик ва қаҳатчилик авж олган. Ўғрилиқ ва талончилик, арзимоган нарса учун одам ўлдириш одатий ҳолга айланган.

Мен ўн олти ёшга тўлиб-тўлмаган бўлсамда, эркаклар камлиги туфайли жамоа ҳўжалигида ишлар эдим. Иш ниятда кўп, эрта тонгдан то қорайгунча дала кездардим. Хар кун кечкурун жамоа ҳўжалиги идорасига йиғилардик. Бригадирлар кун бўйи қилинган ишлар ҳисоботини берад, сўнгра фронтдаги аҳволга бағишланган мажлис бўларди. Бу ҳол деярли хар кун такрорланар, кўпинча ярим кечасига қолиб кетардик.

Ўша кун хар жамоа ҳўжалиги томонидан менга бириктирилган отга минганимда тун ярмидан оған эди.

Уйимиз ўша вақтда ҳозирги Бешқўрган маҳалласининг (Тансиқбоев мавзеси) "Қўл" деб аталувчи қуйроқ қисмида бўлиб, бу ерда бор-йўғи бир неча хонадон истикомат қиларди. Лекин "Қўл"нинг характери жиҳати шундан иборат эдики, уни бир томонидан анҳор оқиб ўтар, иккинчи томонидан тик жарлик ўраб турар эди. Ҳозирги "Студентлар шаҳарчаси" томонидан кетган сўқмоқ йўл жарга борганда пастликка тикка шўнғирди. "Қўл"га ўтиш учун жарлик устига қурилган тахта кўприкдан ўтишга тўғри келарди. От бу йўлни яхши билар, шунинг учун хотиржам мудраб борардим.

От жарликка туша бошлаганини сезиб кўзимни очдим. Атроф қалин бутазор билан қопланган, қамишлар сирли шовулларди... От кўприкка чамаси тўрт метрлар қолганда таққа тўхтади. "Чуқ" деб отни қорнига беозор тепдим. От қуллоқларини чимириб, ўткир нигоҳини кўприк томон тикди. Лекин жойдан қўзғалмади. Жаҳлим чиқиб, отга қамчи урдим. От кишнаб юборди, ле-

кин барибир жойидан қўзғалмади.

Юрагимга кўркув тушиб яна атрофни кузатдим: тун ниятда қоронғи, кўприк тагидаги сув юзи хира ялтйрарди. Бир зум ўйлаб турдим-да, бир қарорга келдим: отни юганини ечиб олдим-да, унга кетма-кет қамчи урдим.

От ўқдек учиб кетди. Унинг олди оёқлари кўприкка тегиши билан қамишлар орасидан бир шарпа кўлларини олдинга чўзган ҳолда мушукдек отилганини кўрдим. Лекин у бироз кечиккан, бу вақтда от кўприк ўртасига етиб улгурган эди. Бутун вужудимни кўркув ва даҳшат ағаллаб олган: ёвуз кимсани кўприк устига гурсиллаб тушгани ва қаттиқ сўкинганини зўрга идрок этдим...

Ҳа, ўшанда от мени ўлимдан сақлаб қолган эди. Бир чавандозни сўзлаб берган воқеаси янада эътиборга лойиқ. Жамоа ҳўжалигини Қозғистонга туташган каттақонгина ерида биз чавандозлар қиш ойларида улоқ чопардик.

Нима бўлдию, улоқ майдонини Қозғистон ҳудудига қўчиришга тўғри келди. (Балки жамоа ҳўжалиги раҳбарлари талабига биноандир). Бир неча юз отлик янги жойга етиб келдик. Шунда чавандозлардан бири улоқни бошлашдан аввал янги жойда қурун тиловат қилиб юборишни таклиф қилди.

Во ажаб, бир неча дақиқагина аввал пишқирган, кишнаган, бир-бирини тишлашга интилаётган асов отлар бошларини қуйи эгиб, тиловатга қулоқ тутардилар.

Тиловатни сўнгги сўзлари тугаб, фотиҳа ўқилгач, яна жанг майдонини эслаувчи манзарга намоён бўлди...

Ҳа, мен мана шу икки жажжи ҳикоядан отларнинг нақадар ақли ва инсонга дўст жонзод эканлигига яна бир бор ишон келтирдим.

Хожимурод АБДУРАХИМОВ
Шайхонтоҳур тумани

«Оила ва жамият» ўғитномаси

ТЎРТЛИКЛАР

Бу мурғак гўдакнинг недир гуноҳи, Меҳрибонлик уйи бўлмиш паҳоли. Бағритош онани урмасми бир кун, Бегуноҳ гўдакнинг йиғиси, охи.

Ота-она тирик, фарзанди етим, Орадан узилган келиш ҳам кетиш. Болалар уйда бу ҳолни кўриб, Қўзимдан ёш чиқиб, увишди етим.

Гоҳида қўшнилар уришиб кетар, Болалар устидан суришиб кетар. Уларнинг жанжали тугагунча то, Зумрашалари ярашиб кетар.

Хасиснинг киссаси тўла-ку пулга, Шунда ҳам хотини кир ювар қулга. Турмушдан нолиб гоҳ қилар фиғон: Эрим бўлса ҳам, ўхшайман тулга.

Пардабой ҚУЛМАТОВ

Озиш, семириш, ажин, қабзият, ҳусн-бузарлардан фориғ бўлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун телефонлар: 74-71-29.

ОИЛА - 8

Ёши 41да бўлган, олий маълумотли, уй-жойли, тошкентлик аёл уйим-жойим деғувчи, оилапарвар эркак билан оила қуриш ниятида.

СОТИЛАДИ

Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент шаҳри марказида (Усмон Носир кўчаси, 9-уй.) яхши таъмирланган, барча шароитлари мавжуд, гишти уй мевазор боғ, ҳаммом ва бошқа ёрдамчи бинолари билан сотилади. Исталган вақтда муурожаат қилишингиз мумкин. Тел: 8(274)-22100 САЙЁРА

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯГОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚўЛЛАР»

Қуйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

● энг замонавий усул асосида осон ва тез бичиш ҳамда ўлчовсиз тикиш - 4 ойлик; ● пардалар, чойшаблар - турли хил жўҳозланган, бурмали пардаларни бичиш ва тикиш - 3 ойлик; ● машинада гул тикиш - 3 ойлик; ● аёлларнинг замонавий костюм, пальто ва плащларини бичиш ва тикиш - 3 ойлик. ДИҚҚАТ!!! 2001 йил мартдан бошлаб махсус кичик суруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул қилиш ва ўқитишни бошлаймиз.

Хар кун якка тартибда олиб берилган унумли машғулотлар давомида марказ курсларининг хар бирини бир ойда ўлаштирасиз. Битирганларга диплом берилади. Қабул хар кун (якшанбадан ташқар) соат 10 дан 12 гача.

Манзил: Пушкин кўчаси, 7-уй, 3-бўғис мақтаби, 4-қават, 524-хона. Мўлжал: Метронинг «Амир Темур» бекати, ДЭУ-Банк. Тел: 76-71-95, 162-49-85 (кечкурун).

«БЕГОЙИМ - СЕРВИС»

КИЗЛАРЖОН! СИЗЛАРНИ ХУНАРЛИ БЎЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

1. Массаж. 2. Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (Windows 95, MS Office 97, Электрон почта). Дастурлаш тиллари; Профессионал фотографиялар. 3. Замонавий урдага пардалар тикиш. 4. Косметология. 5. Сартарошлик. 6. Ҳамишралик. 7. Тикиш-бичиш, моделлаштириш. 8. Келин-кўёв шакли билан, этажеркаларда торт, салатлар тайёрлаш. 9. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).



Тел: 41-16-63

МАНЗИЛ: Тошкент шаҳри, Ўрда бекати, Анҳор бўйи кўчаси, 6-уй. Ўқишни тугатганларга диплом берилади.

«КАМОЛОТ-КОМПЮТЕР» БИЗНЕС МАКТАБИ

Қуйидаги ўқув курсларига таклиф қилади.

Бир ойлик курсларга: 1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими; Видео операторли курси; INTERNETга ўқиш. Икки ойлик курсларга: Замонавий бухгалтерия ҳисоби; Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOWS 95, MS OFFICE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари; Сартарошлик курси; Професионал фотографиялар.

Уч ойлик курсларга: Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); Компьютер билимлари; Банк иши ва компьютер.

Тел: 41-33-96, 58-48-50

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

«ХОЛИС-УМИД» ФИРМАСИ ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

Бу ерда Сизга энг сўнгги моделларда, тез ва осон бичиб-тикишни ўрганишингизда малакали дизайнерлар, уста мутахассислар ёрдам берадилар.

3 ойлик - бичиш-тикиш (сиз хоҳлаган фасонлар). 2 ойлик - компьютер саводхонлиги. - торт ва салат тайёрлаш. - массажа (ёш болалар ва катталар учун). - Эркаклар костюм-шимини тикиш. - аёллар костюми, плащчи, пальтосини тикиш. - косметология (амалиёт билан). - акушерлик (амалиёт билан 6 ой).

ДИҚҚАТ! «Холис-Умид» фирмаси 3-4 кишилик тезкор махсус кичик гуруҳларга ҳам қабул эълон қилади. Бир ой давомида Сиз фирмадаги барча курслардан хоҳлаганингизни мукамал ўлаштириб оласиз. БИТИРГАНЛАРГА ДИПЛОМ БЕРИЛАДИ.

Манзиларимиз: метронинг «Халқлар дўстлиги» бекати, «Олмазор» мавзеси, 14-уй, 6-подъезд, 120-хонадон; метронинг «Буюк Ипак йўли» бекати, Зелинский кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 47-09-52, 45-98-96, 162-30-84

ЭСКИ ЯРАМ ЯНГИЛАНДИ

Бир кун чарчаб ухлаб қолибман. Тушимда адашиб қолибман. Кўчалар эса нотаниш. Шунча уринсам ҳам йўл тополмадим. Вақт ярим кечаси эди. Бир девор кўридим. Унда турган трубага осилиб олиб тирмашибман. Барибир чиқа олмадим. Кейин уйғоғим кетди. Кун бўйи кўнглим ғаш бўлиб юрдим. Хар доим уйғонган заҳоти кўрган тушимни таъбирлаб олардим. Одатим шунақа. Негадир шу тушни таъбирини қила олмадим. Кеч бўлди. Менинг бир танишим, яъни бир аёл менинг ўтмишимда бундан 9-10 йил олдин бўлиб ўтган гапларни бошқачароқ, бўрттириб юзимиға солди. Аслида ундай воқеа бўлмаган эди. Танишим мен ҳақда

эшитган гапларини чиндан юз бергандек гапирарди. Унинг гапларини эшитиб эски ярам янгилангандек бўлди. Ўзимни оқлашга харчанд уринсам-да, бўлмади. Унинг гаплари юрагимга ўқдек қадалди. Хуллас, тухмат балосига учрадим. Аввалига жуда сиқилиб юрдим. Кейин бор-ей, деб эсимдан чиқариб юбордим. Ҳаммаси ўтгандан кейин тушимни эсладим.

Шундагина «Тухмат ёмон, хар бандани тухмат балосидан асрасин» деган гапнинг маъносига етгандек бўлдим.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
Тошкент

Айтадиларки ҳар бир жонзод, ҳар майса, ҳар ниҳол тупроқ, сув ва қуёшдан куч-қувват олиб қад ростлагани сингари, инсон қалби ҳам муҳаббат қуёшидан нур олиб юксаларкан. Гўзал баҳор, Наврўзи олам арафасида редакциямизга келган мактубларни кўздан кечирарканмиз,

аксарияти қалби муҳаббат қуёшидан нур олган муштарийларимиздан эканлиги маълум бўлди. Уларни ўқиб яна шундай азалий ҳақиқатга иқрор бўлдик - муҳаббат мубтало юракка қувонч бағишлайди ва ё қийноқми, у барибир гўзал, буюк эҳсондир.

«Муҳаббат қўҳна туйғу лекин ҳар бир қалб уни янгилайди», деган эди алломалардан бири. Азиз муштарий, навқирон юртдошларимизнинг муҳаббат номаларини ўқиб, фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборасиз, деб умид қиламиз...

КЕЧИРОЛСАНГ, КЕЧИР...

Мен Х. исмли бир қизни ёшлагимдан севдим-у, аммо бу қизга уйланишим учун ота-онам қарши чиқдиши.

Уни чин юракдан севардим. Севгимлига етишиш учун имкониятим борица курашдим, лекин нилоҳ берган ваъдаларимнинг устидан чиқа олмадим. Энди эса виждон азобида қийналмоқдам. Ва ушбу хатим орқали у қиздан уэр сўрамоқчиман.

Шу қиздан айрилган кунимдан бери тунларим бедор ўтади. Уйлай-уйлай шу шеърни ёздим. Фақат шу имконим бор экан.

Бу ёлғон дунёда бир армон кўрдим,
Минг бора порладим, бир бора сўндим.
Муҳаббат богида бевафо бўлдим;
Кечиролсанг кечиргин, мени азизим.
Сенинг ҳайкалингни кўрдим юракда,
Хаётимиз энди бўлак-бўлак-да.
Сенга буюк бахту вафо керак-да,
Кечиролсанг кечиргин, мени азизим.
Кечиролмайман ўзим ўзимни,
Сендан бурган эдим ул кун ўзимни.
Ўзгалар юмганди менинг кўзимни,
Кечиролсанг кечиргин, мени азизим.

ДИДМУРОД



О. муҳаббат

ҚАНЧА ҲАРАКАТ ҚИЛМАЙМАН...

Ёшим 18 да. Олийгоҳда ўқийман. Мен бир йигитни ёқтириб қолдим. У чиройли йигит. Лекин ўзига жуда бино қўйган ва ҳеч кимни менсимайди. Менинг уни ёқтиришим нафақат дугоналарим, балки бошқа гуруҳдаги қизлар қўлоғига ҳам етиб борди. Ниҳоят унинг ўзи ҳам бундан хабар топиб, "Менга бундай қизларнинг кераги йўқ, бунақалар билан гаплашмайман", - деб устимдан қулибди. Мен бу гапларни эшитиб уйга қандай борганимни билмайман. Туни билан роса йиғладим. Лекин мен Р.ни жуда ёқтирар эдим. Бир кун мени ёнига чақириб у ҳақда бошқа ўйламаслигимни, унинг бошқа севган қизи борлигини айтди. Мен уялганимдан унинг ёнидан қандай чиқиб кетганимни билмайман. Лекин мен қанча ҳаракат қилмайман уни унутолмаяман. Азиз юртдошлар, менга маслаҳат беринг, бу дарддан қандай қутулай...

КАМОЛА

СЕН ҲАМ МАҒРУР ЭДИНГ

Мен узок ўйлаб, ушбу мактубимни ёзишга қарор қилдим. Зеро уни ўқиб муҳаббат деган туйғуга асир ёшларимиз тегишли хулоса чиқаришса, ажабмас.

Ёшим 29 да. Аммо ҳали уйланмаганман. Бунга сабаб талабалар - энг бахтли онларимда муҳаббат дунёсига қўйган илк қадамимнинг мен учун самарасиз, омадсиз бўлиб ақунланганлигидир. Бундай бўлишида биринчи навбатда ўзимни айбдор деб ҳисоблайман ва ҳали-ҳануз ўзимни кечиролмайман.

Хуллас, 3-курсда ўқиб юрган пайтимда маҳалламизда яшайдиган мендан 2 ёш кичик Моҳира исмли қизни ёқтириб қолдим. Аста-секин бу туйғу ҳақиқий севгига айланиб бораётганлигини ҳис эта бошладим. У билан кўча-кўйда тез-тез рўбарў келиб қолардик. Кейинчалик унда ҳам менга нисбатан қандайдир илиқлик борлигини сезиб қолдим. Бу унинг қарашларида, мени кўрганда ўзини қўйишга жой топа олмай қолишида, юзларининг олмадай қизаришида намоён бўларди. Аммо унга севгимни изҳор этишимга мендаги тортинчоқлик, қандайдир уялиш ҳисси тўсқинлик қиларди. Хуллас ўз севгим учун кураша олмадим. Тез орада уни унаштириб қўйишгани ҳақидаги хабарни эшитдим. Менинг эндиги уринишларим, ёниб-қуийшларим, ич-этимни тирнашларим бефойда эди.

Хозирги пайтда яшашим, топиш-тутишим яхши. Ўзим олий маълумотлиман. Аммо шу ёшга қирсам ҳам илк севгимни унутолмай доғдаман. Шу пайтгача ота-онам уйланишим учун қанча зўрлашмасин мен рад этиб келмоқдам. Вақт эса ўтиб борапти. Менга қолса, уйланиш ниятим йўқ. Лекин ота-онам юзидagi маъносилик, гами кўрганымда яна-да ичим ёнади, талвасага тушаман.

Ўзим шеърятга қизиқаман. Ушбу шеъримни эса ўша

унутилмас муҳаббатимга бағишлаб ёзганман:

Гўзал эдинг, санам эдинг ҳеч йигитга сўз бермаган,
Мағрур эдим, мағрур эдим ҳеч қизга ошиқ бўлмаган.
Умримизда бир кун бўлди - фалак бизни учраштирди,
Ўша дамдан қалбимизни бир-бирига туташтирди.
Ошиқ бўлиб қолдим сенга, лекин буни тан олмадмиз,
Гўзал, нозик туйғуларим пайхон қилгим келмас эди.
Бу ҳолатда то қиёмат севишимни айтолмасдим,
Юрагимда пинхон ишқим ҳеч бир кимса билмас эди.
Билар эдим, ўша маҳал сен ҳам менга шайдо эдинг,
Кеча-кундуз учрар эдинг, йўлларимда пайдо эдинг.
Учраб ҳар дам, кундан-кунга мени шайдо қилар эдинг,
Лекин сен ҳам мендан баттар - мендан баттар мағрур эдинг.
Қалб тўрида пинхон бўлиб қолди нозик туйғуларим,
Сени дебон ох чекканим, юракдаги қайғуларим.
Бировимиз бошқамизга айтолмадик севаман деб,
Сенинг учун жону танним, кенг оламини бераман, деб.
Етиб айрилиқ онлар совчи келди уйинангга,
Севганим бор дея, бир бор айтолмадик сен онангга.
Шунда сени тўйлар қилиб ўзга йигит олиб кетди,
Мағрурлигим оқибати не қўйларга солиб кетди.

Ушбу мактубни ёзишдан асосий мақсад юртдошларимдан бундан сўнг қандай йўл тутишим даркорлиги тўғрисидаги маслаҳатларини эшитишдир. Шунингдек, севиш бахтига мушарраф бўлган ёшларимизга ўз севгиларига эришишлари учун курашишлари лозимлигини, аксинча мен каби доғда қолишлари мумкинлигини эслатиб ўтишдир.

ТОХИР

Тошкент

ВИСОЛИНГГА ҚАЧОН ЕТУРМАН?

19 ёшга кирганман. Аммо қандай қилиб муҳаббатнинг кўчасига қириб қолганимни билмайман...

6-синфдан бошлаб шахар мактабларининг бирида ўқий бошладим. Мактабда ўқитувчилар билан жуда яхши муносабатда эдим. Айниқса, рус тили муаллимига ўқитувчимиз ҳар замонда қизини ўзи билан бирга ишга олиб келарди. Бир кун нима бўлдию, ўқитувчимиз қизини яхшилаб савалади. Бу ҳолат менга шундай ёмон таъсир қилдики, қалбимда ўша қизчага нисбатан раҳм-шафқатми, хуллас, нимадир пайдо бўлди. Мен у билан гаплашишга ҳаракат қилардим, лекин у менга эътибор ҳам бермасди. Ушанда у эндигина 3-синфга борганди. Орадан ойлар, бир-бирини қувалаб йиллар ўтди. Уни ҳар кун кўргим, гаплашгим келар, лекин энди ўртада қандайдир кўзга қўринмас тўсиқ бор эди. Бу муҳаббатим ёки гурур тўсигими, ўзим ҳам тушунмасдим. 9-синфни тугатиб шахар марказидаги лицейга ўқишга кирдим. Буни қарангки, ўша мактабда дарс берган ўқитувчим ҳам шу ерда ишлаётган экан. Ёшликда қилинган орзу аста-секин муҳаббатга айлана борди. Лицейдаги икки йиллик ўқиш ҳам ўтиб кетди. Лекин унга бир оғиз ҳам гапира олмадим. Мен уни курсам энди дилимдагини айтаман деб аҳд қилардим, лекин олдида бориб гапириш уёқда турсин, ҳатто узокдан кўрсам ҳам юрак уришим тезлашиб, юзларим қизара бошларди. Аммо, минг афсуски, ўша йили омадним чопмади. Ўз-ўзимдан жуда хафа эдим. Охири ўзимни зўрга қўлга олиб, бор кучим

билан ўқишга тайёрлана бошладим. Иштихонларга ўта жиддийлик билан тайёргарлик кўрдим. Ҳеч нарсага эътибор бермай, қийинчиликларни енгишга ҳаракат қилдим. Фақат дарс тайёрлардим. Қаттиқ тайёргарлигим беиз кетмади: иккинчи йил энг катта балл олган талабалар қаторида менга ҳам омад қулиб қолди. Энди олдинда энг катта орзуларинг бири - у қизга муҳаббатимни изҳор қилиш муаммоси турарди. Мен унга бир неча бор телефон қилдим. Лекин телефон гўшагини қўтарган кезлари унга бир оғиз ҳам гапира олмадим. Биласизми, мен ўзимнинг курсдошларим, синфдошларим билан жуда эркин гаплашаман. Муҳаббат... Бундай сеҳрли сўзни ҳар ким ҳар хил тушунади ва турлича изох беради. Мен эса "муҳаббат нима?" деган сўроққа бир оғиз сўз айтишга ожизман. Бу сеҳрли сўзни тил билан ифодалашим жуда қийин. Менинг у қизни севишимга келсак, уни болалигидан онасидан еган калтаклари натижасида, болаларча йиғиси, балки юрагимда муҳаббат бўлиб қад ростлагандир? Менга маслаҳат беринг, азиз инсонлар... Мен қандай қилиб ўз муҳаббатимни у қизга етказай? Уси ҳаётим қандай кечади?

Соғинч!
Бениҳоя, бесарҳад соғинч,
Сенинг висолингга қачон етурман.
Хозир дунё - сокин,
Хозир дунё - тинч,
Шамоллар қўзғолса,
тўзиб кетарман,
Сенинг висолингга қачон етарман...

МЕХРИДДИН
Тошкент шаҳри

САДОҚАТЛИ ЁР БЎЛ

Мен 3. исмли бир қизни яхши кўриб қолдим. Унга ёқтиришимни айтдим. 3. билан муносабатларимиз жуда яхши эди. Чамаси бир ойлар ўтгандан сўнг унинг менга нисбатан муносабати ўзгариб қолди. Унга нега бунчалик ўзгариб қолдингиз, десам, жавоб бера олмади. У билан дўст бўлиб қоламиз, деб келишиб олдик. Мен унга жуда ўрганиб қолган эдим. У бир кун: "Шерали, менга бошқа гапирман! Бошқа кутман! Сиз тўфайли яхши кўрган йигитимни хафа қилиб қўйдим", - деб айтди. "Ойла ва жамият" орқали 3.га шундай демокчиман:

"Шу гапларингизни нега дастлаб танишганимизда айтмадингиз? Сиз бир йигитни яхши кўриб, бошқасини кўнглида умид уйғотиб кейин унинг қалбини яралаб кетишини ўзингизга фахр деб билдингизми? Қўшним Наргизага: «Шералининг оилавий шароити менинг оилавий шароитимга мос келмайди», - дебсиз. Наҳотки, ҳамма гап бойликка бориб тақалса! Мен Худо хоҳласа йигитлик бурчимни ўтаб келиб, ўзим ният қилган зобитлар либосини кийиб сизга ўхшаган бир қизни бахтли қиларман. Аммо қалбимни бир четда Сиз яралаб, яъни тирнаб кетган жойида абадий чандик изи қолиб кетади. Мен ҳали Сиздан ўзга биронга қизга севаман, дея севги изҳор қилмаганман. Мана шу фурсатда Сизни, фақат Сизни севаман ва севиб қоламан, дея айтмоқчиман. 3.1 Ажойиб ҳофизимизнинг гўзал бир қўшигининг бир парчаси билан сузларимни тугатмоқчиман. Мен сизга фақат эзгулик тилайман! Биз тилайман!

Нурли-нурли нурга чўмган
бир хаёл бўл.
Ўз ёрига садоқатли
бир аёл бўл...

ШЕРАЛИ
Олмазор кўрғони

АЙБИМ СЕВГАНИММИ?

Ёшим 18 да. Ойлада ўртанча фарзандман. Худога шукр ҳамма нарсам етарли. Бировдан кам жойим йўқ. Бир йигитни бир кўришдаёқ севиб қолдим. Яхшигина гаплашиб, учрашиб, бир-биримизга телефон қилиб юрардик. Қуларнинг бирида у менга гаплашиб олишимиз кераклигини айтди. Учрашдик. Маълум бўлдики, унга бир одам мени ёмон қил деб, бўлмағур гапларни айтди. Мен ўша одам қимлигини сўрасам айтмади. У: «Энди бошқа менга телефон қилмагин», - деди. Ҳайрон бўлдим. Шунча гаплашиб юриб наҳотки одамларнинг гапири осонгина ишониб кетаверса.

Мен у йигитни жонимдан ортқ севаман. Унинг учун ҳамма нарсамга тайёрман. Мен севиб, ёқтириб турмуш қуришчи, бахтли бўлишни хоҳлайман. Лекин одамларга ҳайронман, нега бўлмағур гапларни тарқатиб юришади, уларга ёмонлигим тегмаётган бўлса, қўнглига оғир ботади деб ўйлашмай-дими. Шундайларнинг ҳам қизлари бордир. Ахир менинг ҳам севишга, бахтли бўлишга ҳаққим бор-ку. Ёқмаган одамга турмушга чиқмайман-ку.

Тошкентлик синглингиз

ОМОН БЎЛИНГ, ЯХШИ ОДАМЛАР

Бир ривоятда айтилишича, қадимда ишлари юришгандан юришиб, обрў-эътибори кун сайин ортгандан ортиб, амал поғоналари бўйлаб дадил кўтарилаётган бир йигитнинг атрофидаги дўстлари кўпайиб кетибди.

Йигит бу дўстларнинг қайси бирлари чин дўст эканлигини билолмасдан кўп ўйланадими, ўзича синовлар ўтказибди, лекин аниқ билмасдан донишмандга мурожаат қилибди.

Донишманд: «Барча дўстларингиз менинг хузурига олиб кел», деб буюрибди ва уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида қабул қилибди. Донишманд йигитнинг дўстларига: «Дўстингиз оғир дардга чалинган, узоғи билан 3-4 ойлик умри қолган, бунини ўзи билмайди. Бу йигитга дўст бўлсаларингиз шу қисқа муддат ичида унга кўнгилларингизда бўлган яхшиликларни қилиб қолинглар», деб айтибди.

Шундан сўнг йигитнинг атрофидаги ҳол-аҳвол сўрайдиган дўстлари сезиларли даражада қайибди. Бунини сезган йигит донишмандга яна мурожаат қилиб: «Тақсир сизнинг қабулқилинган кейин назаримда менга чин дўст бўлмаганлар мени тарк этишди, қолганларинини чин дўстларим деб атасам бўладими?» - деб сўрабди.

Шунда донишманд йигитга: «Йўқ», деб жавоб берибди ва «Қолганларининг ичида сенинг чин дўстларингдан ташқари, сенга ҳасад қиладиган, имконият топилса оёғиндан чалишга тайёр бўлган душманларинг бўлиши ҳам мумкин», - деб айтибди.

Йигит: «Бу душманларим кимлар эканлигини қандай билсам бўлади?» - деб сўрабди, донишманд эса: «Афсуски бунини аниқ билишнинг иложи йўқ», - деб жавоб берибди. «Ундай бўлса ҳақиқий дўстларим кимлар эканлигини билсам бўладими?» - деб сўраганда, донишманд: «Бунини бошингга мусибат тушиб, қийин кунларга қолсан билсан», - деган экан. Ҳақиқатан ҳам дўстларининг кимлигини бошингга қийин кунлар тушганда, бошинг ёстиққа текканда билар экансан.

Бунини мен ўз бошимдан ўтказдим ва бутун вужудим билан ҳис этдим. Утган 2000 йилда оиламиз бошига оғир жудалик тушиб, 25 яшар тўнғич ўғлимиздан ажралиб, юрак хасталигига чалиниб, ҳаётим ҳавф остида қолганда қариндошларимнинг ва атрофимдаги дўсту-биродарларимнинг қайси бирлари қандайлигини аниқ билдим.

Оллоҳга минг қатла шукрлар бўлсин-ким, чин дўстларим ва мен учун жон кўйдирадиган яхши инсонлар мен кут-

ганимдан ҳам кўпроқ экан. Мен учун бу фаний дунёда яшашнинг қизиги қолмагандай бўлиб туюлган оғир дамларда шу дўстларимнинг моддий ва маънавий ёрдамлари туфайли ҳаётга бошқатдан қайтдим десам, муболага бўлмайди.

Бундай диёнатли яхши инсонларнинг борлиги ва уларнинг яхши-ёмон кунларида мен ҳам улар билан бирга бўлиш лозимлигини ҳис этиб, вужудимда «Яшаш керак» деган ички бир куч пайдо бўлди. Шу куч туфайли оёққа турдим.

Бу яхши одамларнинг кўплиги ва уларнинг номлари менинг қалбимда ўчмас сийҳлар билан ёзилиб қолганлиги ҳамда улар мени яхши тушунишларини эътиборга олиб уларнинг исми-шарифларини бирма-бир келтирдим.

Шу яхши инсонлар менга кўрсатган табибий ва маънавий ёрдамлари учун Самарқанд шаҳар кардиология Маркази шифокорларига (бўлим мудир Шавкат ака Изаев, даволловчи врач Ойбек Нуриллаев), Тошкент шаҳар кардиология Маркази шифокорларига (бўлим мудир Н. Обиджонов, даволловчи врачлар Х. Казаков, Л. Шайманова), 16-сон Тошкент шаҳар касалхонаси кардиология бўлими доценти М. А. Косинский, даволловчи врач З. Нигматова, «Турон» дам олиш маскани реабилитация бўлими шифокорларига (бўлим мудир Карим ака Мансуров) ўзининг самимий қалб ташаккурини изҳор этаман.

Мени қийин кунларда ёлғиз қолдирмаган ва қўлларидан келган ёрдамларини аямаган яхши одамлар! Мен сизнинг олижаноблигингиз олдида мудом таъзим қиламан.

**Диёнатли яхши одамлар,
Сиз бор учун дунё туради.
Кўтулг бўлиб босган қадамлар,
Изингиздан гуллар унади.
Мурувватли яхши одамлар,
Қийин кунда бўлдингиз ҳамдам.
Босиб келиб бу қора кунлар,
Кўзларимда кўринганда ғам.
Сизга мудом айлабон таъзим,
Ҳақингизга дуо ўқийман.
Изҳор этиб дилдаги сўзим,
Шаънингизга шеърлар тўқийман.
Омон бўлинг, яхши одамлар,
Она юртим эр-жувонлари.
Сизга бўлсин минг-минг тахсинлар,
Ярадор қалб биродарлари.**

Курбонбой ЙЎЛДОШЕВ
Тошкент шаҳри

БЕТОҚАТ ГЎЗАЛ

Автобуста одам унчалик кўп эмас. Лекин бўш жой йўқ. Мен дераза томон қараб турибман. Ёнимда қадди-қомати келишган, чиройли кўрinishи атрофдагиларни ўзига жалб эта оладиган гўзал бир қиз (мумкин жувондир билмадими) турар эди. Бир бекатга келганда олдинда ўтирган аёл автобустан тушишга ҳаракатланиб қолди. Шу маҳал ёнимда турган гўзал қўлидаги сумкасини ҳали ўрнидан туриб улгурмаган аёл ўтирган жойга қўйиб, ўзича жойини банд қилди. Сўнг ҳеч бир андишасиз мени туриб ўтиб чақонлик билан жойга ўтириб олиб менга бир маънолик назар ташлади. Мен бу қарашни «бопладимми» деган маънода тушундим. Бу ҳол менга ғалати таъсир қилди...

«Эй бетоқат гўзал, жиндай сабр қилга-

нингда мен сенга келинг, яхши қиз ўтиринг, деб бўш ўринга таклиф этиб, бу билан ўз йигитлик ва инсонийлик бурчимни адо этган бўлур эдим. Сен ҳам менинг бу таклифимдан сўнг ўз аёллик иззат-қадригини ўрнига қўйиб, ҳурмат-эҳтиром ила ўтирсанг қандоқ яхши бўлур эди. Мен бир гўзал жононга илтифот кўрсатганимдан ўзимни хушхол сезар эдим. Сен эса бошқалар олдидаги ҳурматингдан мамнун бўлур эдинг. Мана энди тоқатсизлигинг ила ўзингни ҳам, мени ҳам ана ўша афзалликдан маҳрум этдинг», - деган ҳаёллар кўнглимдан ўтди. Бу гапларни ўша гўзалга айтмоқчи бўлдим-у, лекин...

Турсун ОЛАЛИМОВ
Юнусобод тумани

МАЙДА ГАПНИНГ “КАТТА ИШ”ЛАРИ

Халқимиз қиз узатаётганда ҳам, келин тушураётганда ҳам қуда томонининг оилавий шароити, ижтимоий келиб чиқиши, дунёқарши, тарбияси - ҳуллас ипидан игнасигача сўраб суриштиради. Қуда томон ҳақида маълумот бераётган киши ҳолис бўлса яхши-ку, аксинча бўлса дард устига чипқон, деяверинг. Шу ўринда бир воқеани айтиб берсам.

Миржалилга қўшни қишлоқдаги Хуршидани унаштиришди. Икки ёш ўртасида покиза муҳаббат дунёга келди. Тўйни белгилаш учун борган бўлajak қувёнинг онасини иккинчи томон «совға-салом»лар билан кутиб олди.

«Хаф бўлманг қудажон ноҳус бир янглик эшитдим. Қизимни Миржалилга эмас, унинг акасига иккинчи хотин қилиб олиб берайсизми?»

«Сиз бунини қаердан эшитдингиз? Ахир катта ўғлим Тошкентда ўқияпти, шаҳардан ўзига мос қиз топар. Ўйлашимча, бунини келиним томон айтганов, - деб гумонсиради қуда. Сўнгга икки томон ҳам бундай ёлғон-яхши гапларга ишонмасликка келишиб олинди. Ҳоҳида икки ёшнинг бахтига зомин бўлгувчи кишилар ораминда топилади. Не-не ширин орзулар билан эл-юрт олдига дастурхон ёзиб, тўй

қилиш арафасида турган оиланинг умиди пучга чиқади. Қуда томонлар юз қўришмас бўлиб кетишади.

Халқимизнинг «Яқин қўшни узоқдаги қариндошдан яхши», деган доно бир мақоли бор. Дарҳақиқат, яхши-ёмон кунларингизда ҳам сизга маслакдош, ҳамдард бўладиган кишилар бу қўшниларингиздир. Лекин қўшнингиз ифвогар бўлса-чи? Шу ўринда азиз газетхонларимиз бу борада қандай фикрга эга эканлигини билишни истайман. Токи ораминда инсонлар бахтига раҳна, қариндош-уруғлар ўртасига совуқчилик туширадиган «кимса»лар бор экан, бу иллат қиёматга қадар давом этади. Бундайларнинг танобини тортиб қўйиш учун маҳаллаларда қатъийроқ чора-тадбирлар қўллаш керакдир. Ёки ўзгалар шаънини ерга урганлиги учун қонун доирасида жарима солиш лозимдир. Ҳаётимизда майда гапларнинг «катта иш»лари барҳам топиши учун қандай йўл туттишимиз даркор? Ўйлайманки, кўпни кўрган доно халқимиз ўзларининг қимматли фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашадилар.

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ

ФИРИБГАРГА АЛДАНМАНГ!

Собир Раҳимов метро бекатидан автовокзалга бораётди, шу ердаги ярмаркада бир воқеага дуч келдим. Йўлакнинг икки четидида савдо расгалари қаторида «Бахтли воқеа» ўйини бўлаётган экан. Ўйинни бошқарувчи йигит: «“Бахтли воқеа» ўйинига марҳамат, бир зумда 350 минг сўм ютасиз, келиб қолинг», - деб баланд овозда ўйинга чорлаётган экан. Анча одам тўпланган. Дарҳол ўйин бошланиб кетди. Мен ҳам қизиқиб, беихтиёр тўхтаб ўйинни биров кузатдим.

Ўйинни бошқарувчи йигит ўйин шартларини тушунтирар эди. Ўйин «ким ошди» савдосига ўхшарди. Бир-бирига қарши ўйнаш учун икки киши ёки гуруҳ 4 та жетонни ҳар бирини 400 сўмдан олиб, 1600 сўм тўлашди. Аввал 4 киши бирлашиб ўйинни бошлашди. Уларга қарши ёлғиз бир йигит ўйинга кирди. Ўйин қизгин тус олди. Уч марта ўйнагач, бу йигит бошқа пулим йўқ деб қолди. Шунда ўйинни олиб боровчи унга: «Сен ютиб турибсан, 350 минг сўм оласан, ўйинни тўхтатма», - деди. «Пулим қолмади», - деб турган йигит (у Янгийўлдан шаҳарга картошка келтириб сотган экан). Яна бир боғлам 200 талик чиқариб, ўйинни давом эттирди. Шундан сўнг бу ерда айланиб юрган 3-4 йигит дамбада бирлашиб ўйнаётган йигитларга: «Бу бачани эзиб ташланглар, ўйиндан чиқариб юборинглар», - деб ўдағайлар эди. Ёлғиз йигитнинг ранги бўздай оқариб кетди. Икки томоннинг ўйинидан тушаётган пул 70 мингга чиқиб кетди. Менга бу ўйин шубҳали туюлди.

Ўйинни қандай тугашига қизиқиб,

уни кузатиб туравердим. Сўнг ҳазиломуз лўкма ташладим: «Қани йигитлар, тезроқ ютинглар, сизларни табриклаб кетай». Ўйинни бошқарувчи гапидан тўхтаб, менга тикилганча қотиб қолди.

«Э, амаки, сиз менга жуда таниш кўриняпсиз, қаерда кўрган эканман сизни», - деди. Мен қулиб: «Журналистман, телевидениеда кўргандирсиз», - дедим.

Шу пайт ёнимга бир йигит келиб, табассум билан салом бериб, қўлимдан секин ушлаб, бир чеккага тортиди.

«Амаки, илтимос, бу ерда турманг, сизга бу ўйин тўғри келмайди», - деди.

«Мен ўйнамоқчи эмасман, жуда қизиқарли ўйин экан», - дедим.

У қаёққа кетаётганимни сўраб: «Ис-тасангиз автобусага билет олиб берай, - деди.

«Овора бўлманг, мен билетсиз кетаман», - дедим-да, автовокзал томон кетдим.

Кетаётиб, ҳалиги ёлғиз ўзи 4 кишига қарши ўйнаётган янгийўллик йигит сира ҳаёлимдан кетмас эди. Бу содда йигит ҳалол меҳнати билан етиштирган маҳсулотини сотиб, қилган даромадини фирибгарларга ютқазиб, бор-йўғидан жудо бўлиб, оиласига бориб нима дейишини ўйлаб биров ачиндим.

Бу фирибгарлар яна қанча-қанча содда кишиларни тузоғига илинтиришади? Бундай соддадил одамларни лақиллатаётган кимсалар фаолияти билан қизикадиганлар бормикан? Ёки...

Қодир ШОКИРОВ

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган кўлэмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибиёт, хатлар: 34-25-46
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахо-наси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 20.35
Босишга топширилди: 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида теришди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { яқка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма Г - 2026
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобқ.

Баҳоси эркин нарҳда.
Расом — Н. ХОЛМУРОВОД.

Нашр учун маълум муҳаррир — Ф. ТОХИРОВА.
Навбатчи — М. СОДИКОВ.